



Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси Кенгаши  
Раёсатининг 2006 йил  
«21» декабр 4-18 сонли  
қарори билан тасдиқланган

## «ISHONCH» ГАЗЕТАСИ ТАҲРИРИЯТИНИНГ НИЗОМИ

### 1. Умумий қоидалар

1.1. ОАВ номи «Ishonch» деб аталади, у аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ўзида мужассамлаштирган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, оммабоп газета бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши муассислигида чоп этиладиган нашрдир.

1.2. Газета ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот олиш ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда ушбу Низом асосида олиб боради.

1.3. Таҳририят фаолиятига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан тайинланадиган бош муҳаррир раҳбарлик қилади.

1.4. «Ishonch» газетаси ўзбек тилида, ҳафтада уч марта А-2,4 ва А3,12 ҳажмда чоп этилади.

1.5. Таҳририят ўзини-ўзи маблағ билан таъминлайдиган, тўла ҳўжалик ҳисобида фаолият кўрсатувчи мустақил юридик шахс ҳисобланади.

1.6. Ўз фаолияти давомида таҳририят муассиснинг, муассис эса таҳририятнинг шартномадан ташқари мажбуриятлари юзасидан жавобгар ҳисобланмайди.

1.7. Таҳририят думалоқ муҳри, штамп ва бошқа ўз белгиларига эга бўлади.

1.8. Таҳририят манзили: 100165, Тошкент шаҳар, Бухоро кўчаси, 24-уй.

### 2. Таҳририятнинг мақсад ва вазифалари

2.1. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий, социал-сиёсий жараёнларнинг боришини, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсат, ҳукумат қарорлари, ислохотлар мазмун-моҳиятини оммага етказиш, миллатлар ва

элатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик, дунё халқлари томонидан эътироф этилган маънавий қадриятлар мазмунини, мустақиллик ва тинчлик, ватанпарварлик ғояларини улар онгига чуқур сингдириш, бу борадаги илғор тажрибаларнинг оммалашини, фан-техника ютуқлари ҳамда жаҳон тажрибалари, меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ва ҳуқуқий томондан муҳофаза этиш билан боғлиқ мавзуларни газеталар саҳифаларида ҳар томонлама ва ҳаққоний ёритиш таҳририятнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Таҳририят ўз фаолиятида ўзбек халқининг бой маданий мероси, анъаналари, қадриятларини, қонунларни, жумладан, меҳнат қонунлари, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимояга доир қоидаларни кенг кўламда тарғиб этилишига алоҳида эътибор беради.

**2.2.** Таҳририят ўз фаолияти давомида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

— газеталарнинг ўз вақтида мазмунли ва сифатли чоп этилишини таъминлайди, унга ижтимоий-иқтисодий, адабий-бадий, реклама-тижорат нашрларини илова қилиб чиқаради, турли кўрик-танловлар, кўргазмалар, спорт мусобақалари, концертлар ҳамда бошқа маданий тадбирларни ўзи ёки бошқа ташкилотлар билан биргаликда ўтказади, иқтисодий имкониятидан келиб чиқиб, маҳалла, мактаб ва бошқа муассасаларга, муҳтожларга ҳомийлик ёрдами кўрсатади.

— таҳририят қошидаги маркетинг, реклама ва эълонлар бўлими томонидан бозор иқтисоди талабларидан келиб чиқиб, аудио-визуал маҳсулотлар ишлаб чиқариш, интернет тармоғида фаолият юритиш, турли буклетлар, китоблар, фотоальбомлар чиқариш, бошқа тижорат йўналишлари билан шуғулланиб, рекламалар, эълонлар, билдирувлар ҳамда шартномавий материалларни босиб чиқариб, газетанинг молиявий-иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланишини таъминлайди;

— газеталар таҳририяти ўз илова нашрларига муассислик қилиши мумкин.

### **3. Муассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

#### **3.1. Муассис**

— Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида ва мазкур Низомда белгиланган ваколатлари доирасида оммавий ахборот воситасининг ишларини бошқаришда иштирок этади;

— қўшган мулкий улушига мувофиқ равишда фойда ва зарарлар тақсимотида қатнашади;

— оммавий ахборот воситасининг ўзини ёки унинг томонидан кўрсатилган учинчи шахс манфаатларини кўзлаб қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқарувни амалга ошириши лозим бўлган бошқа шахсга (ишончли бошқарувчига) мулккий мажмуа сифатида топширади;

— Таҳририят бош муҳарририни ўз Раёсати йиғилишида тайинлайди ва лавозимидан озод қилади;

— турли ҳажмли ва эълон қилиш муддати таҳририят Низомида белгиланадиган хабарни ёки реклама тусида бўлмаган материални ўз номидан бепул жойлаштиради;

— оммавий ахборот воситасининг фаолияти тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини қўшган мулккий улушига мувофиқ қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олади.

### **3.2. Муассис**

— оммавий ахборот воситасининг Низомини, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ўз Раёсати йиғилиши мажлисида тасдиқлаши;

— оммавий ахборот воситаси таҳририяти билан шартнома тузиши;

— Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари талабига риоя этилишини таъминлаши шарт.

**3.3. Муассис цензурани амалга оширишга, таҳририятнинг ижодий фаолиятига аралашинишга ҳақли эмас.**

## **4. Таҳририятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **4.1. Таҳририят**

— Ахборот тўплайди, уни таҳлил этади ва тарқатади;

— Ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини—ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар ва муассасалар, ташкилотларга мурожаат қилади;

— Давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирини истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотлардан фойдаланади;

— Журналист текширувларини ташкил этади;

— Маълумотларни белгиланган тартибда, шу жумладан, зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олади;

— Судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда оммавий тадбирларга журналист ходимини юборади ва ёритади;

— Эълон қилинишга тайёр материалларни текшириш учун мутасадди корхона ва мутахассисларга мурожаат қилади;

— Материалларни таҳрир қилади, агар мазмуни бузилган бўлса нашрдан олиб қолади;

— Таҳририят фаолиятига зид бўлмаган шартномаларни имзолайди.

#### **4.2. Таҳририят**

— Қонун ҳужжатларига риоя этади;

— Чоп этилаётган материалларнинг тўғри ёки нотўғрилигини текширади;

— Шартнома, Низом ва қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида оммавий ахборот воситасининг ишларини бошқаради;

— Фойда ва зарарларни тақсимлайди;

— Газеталарнинг бадий ва мазмунан юксак савияда ҳамда белгиланган мунтазамликда чиқиб туришини таъминлайди;

— Газеталарни нуфузли, мазмунли ва ҳар томонлама эътиборга лойиқ, хилма-хил мушоҳада ва фикрга бой нашрга айлантиради;

— Таҳририят ходимларининг газеталар зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш борасидаги самарали ижодий меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантиради;

— Ходимлар касб маҳоратини ошириб боришга, меҳнат интизоми ва тотувликда меҳнат қилишлари борасида ғамхўрлик қилади;

— Оммавий ахборот воситаси тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини тушган мулкий улушига мувофиқ, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олади.

— Таҳририят ўз фаолияти давомида турли даврий ва даврий бўлмаган иловаларни ташкил қилиши, уларни чоп этиши мумкин.

— Таҳририят турли идора, ташкилот, юридик ва жисмоний шахсларнинг эълон, реклама ва ахборотларини босиб чиқаради.

### **5. Таҳририятни бошқариш**

**5.1.** Таҳририят фаолияти устидан умумий раҳбарлик ва унинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш таҳрир ҳайъати томонидан амалга оширилади.

**5.2.** Газеталарнинг таҳрири ҳайъати — таҳририятнинг раҳбар органи бўлиб, у муассис, таҳририят вакиллари, журналистика ва адабиётнинг таниқли намоёндаларидан иборат бўлади. Таҳририят

раҳбариятига — Бош муҳаррир, унинг ўринбосари, масъул котиб ҳамда етакчи бўлимлар муҳаррирлари киради.

**5.3.** Таҳрир ҳайъати таркиби муассиснинг розилиги билан Бош муҳаррир томонидан тасдиқланади.

## **6. Бош муҳаррир**

**6.1.** Газета Бош муҳаррири муассис Кенгашининг Раёсати қарорига асосан тайинланади. Унинг ўринбосари эса муассис билан келишилган ҳолда Бош муҳаррирнинг буйруғига асосан тайинланади.

**6.2.** Бош муҳаррир таҳририят ижодий-ташқилий, молиявий-хўжалик ишларига бевосита раҳбарлик қилади. Таҳририятнинг бошқа ташкилотлар билан бўладиган муносабатларида таҳририят номидан иш кўради.

**6.3.** Бош муҳаррир таҳрир ҳайъати билан келишган ҳолда газеталарнинг мазмун-мундарижасини янада яхшилаш ва кенгайтириш мақсадида таҳририят ижодий тузилмасига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритишга ҳақли.

**6.4.** Бош муҳаррир таҳририятнинг барча ижодий ходимлари билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талабларига риоя қилган ҳолда меҳнат шартномалари тузади ва уни бекор қилади.

**6.5.** Бош муҳаррир таҳририят ижодий ва меҳнат жамоасини рағбатлантириш, шунингдек, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш ҳақида буйруқлар чиқаради.

**6.6.** Бош муҳаррир таҳририят жамоасига раҳбарлик қилади, ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикасининг қонунлари талаби доирасида бошқа ҳаракатларни амалга оширади.

**6.7.** Бош муҳаррир таҳририятдаги иқтисодий ва маънавий ҳолат учун муассис олдида ҳисобдордир.

## **7. Меҳнат жамоаси**

**7.1.** Таҳририят ходимлари ижодий ходимлардан — бош муҳаррир, унинг ўринбосари, масъул котиб, унинг ўринбосари, адабий котиб, бўлим муҳаррирлари, мухбирлар, вилоят мухбирлари, саҳифаловчи, фотомухбир ва техник ходимлардан иборат бўлиб, улар меҳнат жамоасини ташкил этади ва ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари ва мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

### **7.2. Меҳнат жамоаси:**

— таҳририят фаолиятининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш;

— таҳририятнинг ички меҳнат тартиб-интизомини мустаҳкамлашда;

— белгиланган қонунлар доирасида меҳнатга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, ўз вазифасини сидқидилдан ва сифатли адо этаётган ходимларни тегишли тартибда мукофотларга тавсия этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

**7.3.** Таҳририят меҳнат жамоаси ўз зиммасидаги қуйидаги вазифаларни сифатли адо этилишини таъминлайди:

- газетани нашрга тайёрлашга ва унинг иловаларини чоп этишга доир вазифаларни тўла-тўқис бажаради;
- ўз билими ва ижодий қобилиятини ошириб боради, газетанинг ўқимишли чиқишига қаратилган барча тадбирларда иштирок этади.

**7.4.** Умумий йиғилиш таҳририятнинг юқори органи ҳисобланиб, у меҳнат жамоаси ваколатига берилган масалаларни кўриб чиқади. Унинг мутлоқ ваколатларига:

- таҳририятнинг фаолият йўналишларини белгилаш;
- таҳририят фаолияти учун муҳим бўлган ишлаб чиқариш, ташкилий-хўжалик, кадрларга доир масалаларни кўриб чиқиш;

Шунингдек, умумий йиғилиш:

- ўз таркибидаги барча тузилмалар бошлиқларининг ижодий ва ишлаб чиқариш, шунингдек, таҳририят Бош муҳаррирининг буйруқ ва кўрсатмаларини, умумий йиғилиш қарорларининг бажарилишига доир ҳисоботларини тинглайди;

— таҳририят ва унинг тузилмалари учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилади;

- ишлаб чиқилган қўлланма, йўриқномаларни тасдиқлайди;
- таҳририят мулкига эгалик қилиш, уларни тасарруф этиш ва тақсимлаш масалаларини ҳал қилади;
- молиявий-хўжалик фаолиятига доир масалаларни ҳал этади, бу борадаги ҳисоботларни муҳокама қилиб боради;

— таҳририят таркибий тармоқлари фаолиятини ўзгартириш, қайта тузиш ва тугатиш масалаларини кўриб чиқади;

— мазкур Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритади. Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши жамоа аъзоларининг камида учдан икки қисми иштирок этган тақдирдагина ваколатли ҳисобланади.

**7.5** Умумий йиғилиш заруратига қараб, аммо йилида камида тўрт марта чақирилиши мумкин.

Таҳририят меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари ва Федерациянинг бошқа тармоқ раҳбарлари иштирок этишга, муҳокама этилаётган масала юзасидан фикр билдиришга ҳақлидирлар.

## **8. Таҳририятни молиялаштириш манбалари**

**8.1.** Муассис томонидан ажратилган, шунингдек, фаолияти давомида ишлаб топилган маблағ ҳисобидан сотиб олинган мулк таҳририят мулки ҳисобланади.

**8.2.** Таҳририят муассиснинг розилиги билан ҳисобидаги мулкни янгилаш, кўпайтириш чораларини кўриб боради, уни эркин тасарруф этади ва яхши сақланиши учун масъулдир. Календар йили охирида мулкый жамғармаси ҳақида муассисга ҳисоб бериб боради.

**8.3.** Таҳририят пуллик хизмат кўрсатишдан тушган маблағларни, ҳомийлик ва хайрия бадалларини ходимларни ижтимоий ҳимоялашга ва моддий-техник базани ривожлантиришга қаратилган тартибда тасурруф этади.

**8.4.** Қуйидагилар таҳририят фаолиятини молиялаштириш ва меҳнат жамоасини ижтимоий таъминлашнинг асосий манбалари ҳисобланади:

а) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг сметаси бўйича касаба уюшма бюджетидан ажратилган маблағлар;

б) обуна ва газеталарни чакана сотишдан тушган маблағлар;

в) учинчи шахсларнинг бадаллари ва хайриялари;

г) пуллик хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар.

**8.5.** Таҳририят йил якуни бўйича ўзининг молиявий хўжалик фаолияти натижалари юзасидан муассис Раёсати йиғилишида ҳисоб беради.

## **9. Таҳририятнинг ижодий-ишлаб чиқариш, тарғибот-тижорат ва молиявий фаолияти**

**9.1.** Таҳририят ўз фаолиятини муассис билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда олиб боради. Таҳририят юридик шахс мақомига эга бўлиб, ўзининг ички иш юритув ҳужжатлари асосида фаолият юритади, ўзининг думалоқ муҳрига, штампига, банкда жорий ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига эга бўлади.

**9.2.** Муассис таҳририят даромадлари ва харажатлар ўртасидаги фарқни, яъни кўрилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш учун тегишли маблағ ажратади. Таҳририят муассис томонидан зарур жиҳозлар, моддий-техника ресурслари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа ашёлар билан таъминланади.

**9.3.** Даромадни ва молиявий маблағларни шакллантириш манбалари:

— таҳририят Низом фондига муассис томонидан қўшиладиган улуш;

— газеталарга обуна қилишдан ва уни чакана савдода сотишдан келадиган маблағ;

— таҳририят шартнома асосида хўжаликлар, корхоналар, бирлашмалар билан реклама босиб чиқариш, тарғибот-ташвиқот этиш, турли эълонлар, қутловлар, табрикномалар чоп этиш ва кўрсатилган хизмат эвазига келадиган маблағ;

— иловалар, реклама нашрлари, илмий-оммабоп ва адабий-бадий нашрлар, «Ishonch» газетаси кутубхонаси рукни остида босилган асарларни чоп этишдан тушадиган даромадлар;

— корхона, бирлашма, хўжаликлар ҳомий сифатида таҳририят ҳисобига ўтказадиган маблағлар;

— тегишли тартибда банклар томонидан бериладиган кредитлар ва бошқа қарзлар;

— ишлаб чиқариш ва савдо шохобчаларини йўлга қўйишдан ҳамда ташкил этилган ёрдамчи хўжаликлардан тушадиган даромадлар;

— амалдаги қонунлар томонидан таъқиқланмайдиган бошқа фаолиятлардан олинадиган даромадлар.

**9.4.** Таҳририят ўзининг молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда, амалдаги қонунлар доирасида, муассис томонидан тасдиқланадиган штатлар жадвалини тузади, ходимларнинг ойлик маошларини, қалам ҳақини, ижтимоий истеъмол фонди тўловларига тортилмайдиган йўлқира ва овқат пуллари, моддий ёрдам сингари тўловларнинг миқдорини белгилайди.

## **10. Фойдани тақсимлаш ва зарарларни ўрнини қоплаш тартиби**

**10.1.** Таҳририят умумий йиғилишининг қарорига кўра йилнинг ҳар чорагида, ярим йилда ёки бир йилда бир ёки бир неча марта ўзининг соф фойдаси ҳисобидан ходимларни моддий рағбатлантириши мумкин.

**10.2.** Таҳририят қуйидаги ҳолларда фойдани тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

— агар қарор қабул қилиш пайтида таҳририят қонунларга биноан банкротлик талабларига жавоб берса ёки шундай белгилар қарор қабул қилиш натижасида пайдо бўлса;

**10.3.** Таҳририят ўз устав фондининг 25 фоизи миқдорида захира фондини вужудга келтиради. Таҳририятнинг захира фонди белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори соф фойданинг камида 10 фоизини ташкил қилади. Таҳририятнинг захира фонди унинг зарарларини

қоплаш ва таҳририят томонидан таҳририятнинг устав фондидаги улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун ишлатилади.

**10.4.** Таҳририятнинг даромадларини тақсимлаш ва зарарларни қоплаш тартиби таҳририят умумий йиғилишида аниқланади ва баённома билан расмийлаштирилади.

**11. ОАВ чиқарилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш асослари ва тартиби**

**11.1.** Муассис Низомда кўзда тутилган ҳолларда таҳририятнинг фаолиятини тугатиш ва чиқаришни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилганда; (Бу хусусда муассис рўйхатдан ўтказувчи органни бир ой олдин хабардор қилади).

— Таҳририятнинг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларининг доимий бузиб келганлиги бўйича рўйхатга олувчи орган ва бошқа ваколатли органларнинг даъвоси таҳририят ёки бош муҳаррир номига рўйхатга олувчи орган томонидан ёзма огоҳлантириш киритилганда, шунингдек, суднинг ушбу ОАВни тўхтатиш ё тугатиш тўғрисида қарори чиққанда;

— Рўйхатдан ўтказувчи орган ОАВ рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасини бекор қилиш ҳақида судга ариза бериш билан бир вақтнинг ўзида, қонунчиликда белгиланган тартибда ОАВнинг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида таклиф киритилганда;

— ОАВнинг муассиси уни чиқаришни тугатиш ёки тўхтатиш тўғрисидаги қарори хусусида таҳририятни махсус ариза орқали хабардор қилади. Ушбу ариза ОАВ чиқарилиши тугатилиш, тўхтатилишидан олдинги сонларидан бирида жойлаштирилади.

**11.2.** ОАВни чиқаришнинг тўхтатилиши унинг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилинишига сабаб бўлади. Бундай ҳолларда айнан шу номдаги ва тарқатиш шаклидаги ОАВни таъсис этишга йўл қўйилмайди.

**11.3.** Муассис таклифига мувофиқ (Муассис таркибининг ўзгариши, Муассис таркибий тузилишидаги ўзгаришлар ва бошқалар) Таҳририятнинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатиб туриши мумкин. Муассис газетани чиқаришни ёки нашр этишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда Бош муҳаррир ёки таҳририят ходими «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ худди шу номда оммавий ахборот воситаси таъсис этиш масаласини қўйиши мумкин. Бундай ҳолларда оммавий ахборот воситаси қайта рўйхатдан ўтказилади.

**11.4.** Таҳририятни тугатиш Муассис томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**11.5.** Таҳририят фаолияти тугатилаётган тақдирда Муассис томонидан тузилган Тугатиш комиссияси таҳририят раҳбарлигини зиммасига олади ва белгиланган муддат ичида таҳририят фаолиятининг тугатилишига доир барча ишларни амалга оширади.

**12. Низомни қабул қилиш ва унга ўзгартиришлар киритиш тартиби**

**12.1.** Таҳририят Низоми таҳририят ходимларининг камида учдан икки қисми иштирок этган умумий йиғилишда кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва муассис томонидан тасдиқланади. Қабул қилинган Низом қоидалари таҳририятнинг барча ходимлари учун, эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, мажбурийдир.

**12.2.** Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш Низомни қабул қилиш ва тасдиқлатиш тартиби бўйича амалга оширилади.